

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MANKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 13 » май 20 19 у.

№ 396

Toshkent sh.

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган  
банк кредитлари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари  
томонидан кафолатлар берилиши ва муддати ўтказиб юборилган  
қарздорликни қоплаш тартиби тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган банк кредитлари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кафолатлар берилиши ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов ва Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х.Салиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 13 майдаги  
396-сон қарорига  
илова

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган  
банк кредитлари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан  
кафолатлар берилиши ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликни  
қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (кейинги ўринларда ширкатлар деб аталади) томонидан жалб этиладиган банк кредитлари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кафолатлар берилиши ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш тартибини белгилайди.

2. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кафолат ширкатлар томонидан жалб этиладиган кредитлар бўйича берилади.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари кафолатларни (кейинги ўринларда кафолат деб аталади) беришда тўланиши керак бўлган сумма кредит шартномаларида белгиланган муддатларда ширкатлар томонидан тўланмаган тақдирда у томонидан жалб этиладиган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бюджетдан ташқари мабзалар маблағлари (кейинги ўринларда бюджетдан ташқари маблағлар деб аталади) ҳисобига қарзни қайтариш учун тижорат банки олдидаги мажбуриятни ўзига олади.

4. Кафолат берилганлиги учун тўлов (мукофот пули) ундирилмайди.

**2-боб. Кафолатларни расмийлаштириш ва бериш**

5. Кафолат ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорларига асосан берилади.

Кафолат ширкатлар томонидан амалга ошириш таклиф этилаётган лойиҳалар (тадбирлар) бўйича асосланган материаллар (ҳисоб-китоблар) киритилиши ва улар бўйича уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўлими ва молия бўлимининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган тақдирда берилади.

6. Кафолатни олиш учун ширкат тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича кафолат беришга буюртманомани;

банк кредити ҳисобига амалга ошириш режалаштирилаётган лойиҳа (тадбир) тўғрисидаги маълумотларни;

кредит шартномаси ва жалб этилаётган кредитларни қайтариш жадвали лойиҳаларини;

лойиҳани (тадбирни) молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни;

амалга ошириш таклиф этилаётган лойиҳалар доирасида бажарилаётган ишлар ҳажми бўйича иш ҳужжатларини (лойиҳа-смета ҳужжатлари ва давлат экспертизаси ҳулосаси);

кейинги 2 йилдаги фаолиятнинг молиявий натижалари. шу жумладан, молиявий оқимлар тўғрисидаги маълумотни;

ширкат томонидан олдин жалб этилган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани;

банк кредитини жалб этиш, шунингдек, белгиланган тартибда расмийлаштирилган жалб этилган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни ширкатнинг мол-мулки ҳисобига қоплаш тўғрисидаги шартга розилик берини ҳақида ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорини;

ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларнинг нусхалари билан биргаликда ширкатнинг мол-мулки таркиби рўйхатини тақдим этади.

7. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари бир иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларни уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлимига ва молия бўлимига юборади. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими ва молия бўлими ҳужжатлар тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида:

танқидий мулоҳазалар ва таклифлар бўлганда уларни рад этишнинг аниқ сабабларини ва ширкат кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши учун етарли бўлган муддатни кўрсатиб тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ёзма шаклда юборадилар;

танқидий мулоҳазалар бўлмаганда – туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига лойиҳаларни (тадбирларни) амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тавсиялар билан бирга ҳулосани берадилар.

Ширкатлар томонидан танқидий мулоҳазалар бартараф этилгандан ва таклифлар ҳисобга олингандан кейин уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўлими ва молия бўлими томонидан ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда ширкатнинг аризаси олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

8. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари беш иш куни мобайнида:

тузилган кредит шартномаларини ва қарзни қайтариш жадвалларини, бюджетдан ташқари маблағларнинг аризада кўрсатилган манбалари бўйича тушумлар мавжудлиги ва прогнозини ҳисобга олган ҳолда ширкат томонидан жалб этилаётган банк кредитлари бўйича унга кафолат берини тўғрисидаги тегишли қарорни қабул қиладилар;

ширкат билан шартнома тузадилар, унда ажратиладиган кредитлар бўйича ундирилган муддати ўтказиб юборилган қарздорликни ширкатнинг мол-мулки ҳисобига қоплаш тўғрисидаги шартларни назарда тутадилар.

Кафолат ҳоким томонидан имзоланади, у бўлмаганда – ҳокимнинг вазифаларини ижро этувчи ваколатли мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Кафолатда:

кафилнинг – туман (шаҳар) ҳокимлигининг номи;

кафолат берилган сана, ҳисобга олиш рақами, кафолатнинг амал қилиш муддати ва суммаси;

ширкатнинг номи (принципал);

банкнинг – кафилликни олувчининг номи (бенефициар);

кредит шартномасининг санаси, рақами ва суммаси;

кафолат бўйича мажбуриятларни тўлаш шартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қондалар кўрсатилган бўлиши керак.

Кафолат туман (шаҳар) ҳокимлигининг фирма бланкасида расмийлаштирилади. Кафолатларни ҳисобга олиш алоҳида ҳисобга олиш журналида юритилади.

Кафолатларни ҳисобга олиш журнали рақамланган, ип ўтказиб тикилган ваколатли мансабдор шахснинг имзоси ва туман (шаҳар) ҳокимлигининг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Кафолат имзоланган кундан бошлаб қучга киради.

9. Кафолат:

олдин ширкат томонидан жалб этилган банк кредитлари ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тегишли даражалари бюджетларига тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги бор бўлган;

фаолиятни салбий молиявий натижалари ширкатларга берилиши мумкин эмас.

**3-боб. Ширкатларга кафиллик остида ажратилган кредитлар бўйича кафолатларга оид мажбуриятларни ижро этиш ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш**

10. Ширкатларга ажратилган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда ва кредит шартномаларига илова қилинадиган уларни қайтариш жадвалига риоя қилинмаганда тижорат банки уч иш кунни мобайнида тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларини муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганлиги тўғрисида хат билан хабардор қилади.

Тижорат банки хатига:

кафолатнинг нусхаси;

кредит шартномасининг нусхаси;

тижорат банкининг ширкатда муддати ўтказиб юборилган қарздорлик борлиги тўғрисидаги маълумотномаси илова қилинади;

11. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги тижорат банкининг хатини беш иш кунни мобайнида кўриб чиқади ва ширкатнинг мавжуд муддати ўтказиб юборилган қарзини тижорат банкка қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жалб этилган кредитлар бўйича ширкатнинг муддати ўтказиб юборилган қарзини қайтариш учун мўлжалланган маблағлар кафил томонидан фақат кредит берувчининг ҳисоб рақамига йўналтирилади.

12. Ширкатнинг муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш кунидан кечикмай туман (шаҳар) ҳокимлиги тегишли ширкатнинг қарздорлиги суммасини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ҳар бир ширкат учун банкда алоҳида очиладиган 29801 (мижозлар билан ҳисоб-китоблар) ҳисоб рақамига ўтказлади.

29801 ҳисоб рақамига тушган маблағлардан фақат ширкатларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш учун фойдаланилади.

13. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ширкат томонидан жалб этилган кредит бўйича ширкатнинг муддати ўтказиб юборилган қарздорлигини қайтаришга йўналтирилган бюджетдан ташқари маблағлари кўрсатиб ўтилган ширкатга тегишли бўлган мол-мулк ёки дебитор қарздорлик ҳисобига қўланади.

#### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

14. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қафолати остида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланиш ва уларни ўз вақтида қайтаришнинг ҳисобини юритиш ва мониторинг олиб бориш уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлимлари томонидан маълумотларни мунтазам равишда солиштириш орқали молия бўлимлари ва тижорат банклари билан биргаликда амалга оширилади.

15. Қафолат амал қилишининг бутун муддати мобайнида ширкат:

а) қафолат остида жалб этилган банк кредити бўйича барча тўловларни ўз вақтида тўлаши;

б) уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўлимларига, молия бўлимларига ва тижорат банкларига жорий ойнинг 5-кунидан кечикмай ҳар ойда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қафолати остида ажратилган кредитлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳалар (тадбирлар) бўйича бажарилган ишлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

16. Ширкатнинг раҳбари:

маълумотларнинг ишончлилиги ва қафолат остида кредитларни жалб этиш учун тақдим этилган ҳужжатларни расмийлаштиришнинг тўғрилиги;


ширкатга ажратилган банк кредитидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ва ўз вақтида қайтарилиши, шунингдек, ушбу Низомга мувофиқ тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигининг ширкат томонидан қафолат остида жалб этилган банк кредити бўйича ширкатнинг муддати ўтказиб юборилган қарздорлигини қайтаришга йўналтирилган бюджетдан ташқари маблағлари кўрсатиб ўтилган ширкатнинг мол-мулки ҳисобига қопланиши учун шахсан жавоб беради.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг ҳудудий бошқармаси ҳар бир йил чораги яқунлари бўйича қафолатлар берилишининг тўғрилигини текширади ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қафолати остида ажратилган банк кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назорат қилади.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган банк кредитлари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кафолатлар берилиши ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан банк кредитлари бўйича кафолат бериш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати	1. Кафолат олиш учун буюртманома ва зарур тегишли хужжатларни тайёрлайди. 2. Тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани бевосита ёки почта алоқаси хизмати орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этади.	Заруратга кўра
2-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги	1. Кафолат олиш учун тақдим этилган буюртманома ва хужжатларни қабул қилиб олади. 2. Хужжатларни уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўлимига ва молия бўлимига юборади.	Хужжатлар қабул қилинган кунда. Бир иш куни мобайнида
3-босқич	Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, молия бўлими	Олинган хужжатларни кўриб чиқади ва туман (шаҳар) ҳокимлигига лойиҳаларни (тадбирларни) амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулоса беради ёки улар бўйича танқидий мулоҳазалар ва таклифларни илова қилади.	Беш иш куни мобайнида



Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари  
томонидан жалб этиладиган банк кредитлари  
бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари  
томонидан кафолатлар берилиши ва муддати  
ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

\_\_\_\_\_

Туман (шаҳар) ҳокимлиги

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган банк  
кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш учун  
туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг кафолатини олиш учун  
АРИЗА**

1. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг номи \_\_\_\_\_
2. Жойлашган жойи (почта манзили) \_\_\_\_\_
- Телефон рақами (код билан) \_\_\_\_\_
- СТИР \_\_\_\_\_
- банк реквизитлари \_\_\_\_\_
- Электрон манзил \_\_\_\_\_
4. Кафолат олишдан мақсад \_\_\_\_\_
5. Кафолат остида жалб этилган банк кредити суммаси: \_\_\_\_\_ минг сўм
6. Кафолат олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар туркуми ушбу Буюртманомага илова қилинади, \_\_\_ варақда.

Сиздан ушбу Буюртманомани унга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқишингизни ва \_\_\_\_\_ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан жалб қилинадиган банк кредити бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигининг кафолати берилишини илтимос қиламиз.

Раҳбарнинг Ф.И.О.

имзо \_\_\_\_\_

сана \_\_\_\_\_